



ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Ирматова Лола

ТДИУ тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари, камбағалликни қисқартириш йўллари, аҳоли даромадларини ошириш имкониятлари, мамлакатимизда татбиқ этилган янги тизимларнинг самарадорлиги, маҳаллабай ишлаш тизими, темир, аёллар ва ёшлар дафтарларини самарадорлиги, тадбиркорликни ҳуқуқий асослари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни натижалари ва таҳлилларига қаратилган масалалар илмий жиҳатдан баён этилган.

Калит сўзлар: хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш, маҳаллабай ишлаш тизими, темир, аёллар ва ёшлар дафтарларининг самарадорлиги.

Аннотация: В данной статье рассматриваются возможности развития частного предпринимательства, пути сокращения бедности, возможности повышения доходов населения, эффективность новых систем, реализуемых в нашей стране, система общественных работ, эффективность железа, женской и молодежной работы. Научно обсуждаются регистры, правовые основы предпринимательства, результаты и анализ реформ, проводимых в нашей стране.

Ключевые слова: развитие частного предпринимательства, сокращение бедности, повышение доходов населения, система общественных работ, производительность железа, женских и молодежных ноутбуков.

Annotation: In this article, the opportunities for the development of private entrepreneurship, ways to reduce poverty, opportunities for increasing the income of the population, the effectiveness of new systems implemented in our country, the community work system, the effectiveness of iron, women's and youth registers, the legal basis of entrepreneurship, and the results and analyzes of the reforms carried out in our country are scientifically discussed.

Keywords: development of private entrepreneurship, reduction of poverty, increase of population's income, community work system, iron, women's and youth notebooks productivity.

Бугунги кунда Муҳтарам, Президентимиз томонидан хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг умумий даромадларини оширишга қаратилган янги имкониятларни амалиётга кенг татбиқ этиб келинаётганлиги ва тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган кўплаб амалий ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш



имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ги Фармонини жорий этилиши янги имкониятларни юзага келишига хизмат қилди десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Бироқ, бугунги кунда хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожланиши билан биргаликда ишлаб чиқариш тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор қўйидаги муаммо ва тўсиқлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагича:

- биринчидан, кичик корхоналар сушт ривожланмоқда. Жами кичик бизнес субъектларининг якка тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликларидан ташқари микрофирмалар ташкил этади;

- иккинчидан, кичик бизнеснинг тармоқ таркибида асосан қишлоқ, савдо ва умумий овқатланиш кўпчиликини ташкил этади. Саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнеснинг ривожланиши нисбатан сушт кечмоқда. Бу, ўз навбатида, кичик бизнеснинг истеъмол бозорларига нисбатан қисқа муддатларда маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятларини чеклаб қўймоқда;

- учинчидан, кичик бизнеснинг маҳсулот экспорт қилиш жараёнидаги иштирокини қониқарли деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жуда муҳим саналади. Чунки, мамлакатимиздаги камбағаллик даражасини камайтириш ва аҳолининг умумий даромадларини ошириш асосан хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга боғлиқдир.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган муаммолар барча ҳудудлар кесимида мавжуд бўлиб, уларни ўз вақтида бартараф этмаслик, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, натижада эса, мамлакатимизда ишсизлар сонини ортишига, камбағаллик даражасини ошиб кетиши ва аҳолининг даромадларини кескин даражада тушиб кетишига сабаб бўлади. Бундай муаммоларни бартараф этиш учун хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион янгиликлар асосида ривожлантириш, аҳоли ўртасида оммлаштириш, янги имтиёزلарни татбиқ этиш ва эркин савдо тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қолаверса, мазкур муаммоларни самарали ҳал этиш учун республика ҳукуматининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган стратегик дастурлари амалга оширилишини давом эттириш зарур. Бундай концепция асосида



номутаносибликларни бартараф этишга, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланишга имкон берувчи тузилмавий ўзгаришларни амалиётга кенг татбиқ этиш лозим.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш мақсадида, янги тартиблар жорий этилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари маркази тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра «ягона дарча» маркази фаолиятининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

давлат хизматлари маркази» тамойили бўйича турли хизматларни кўрсатиш;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензия тартиботларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;

- давлат органлари ва давлат хизматлари кўрсатадиган бошқа билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймаслик;

- тадбиркорлик субъектларига ахборот ёрдами кўрсатиш, шу жумладан давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультациялар бериш каби ваколатлари мавжуд бўлиб, улар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Камбағалликни пасайтириш ва очликка қарши курашиш учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ушбу соҳага инвестицияларни сарфлашни талаб этади. БМТ томонидан эълон қилган маълумотларга кўра дунё аҳолисининг 85 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Бу қарийб 3,5 миллиард аҳоли сонини ташкил этади. Жаҳонда 800 миллион аҳоли очликдан азият чекмоқда. 2030 йилда дунё аҳолиси сони 8,3 миллиард кишини ташкил этиши башорат қилинаётган бўлса, ўз-ўзидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бўлган талабнинг кескин ошиши ресурслар унумдорлиги даражасини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг кучайиши, айти ҳақиқат¹ ҳисобланади. Камбағалликни қисқартириш мақсадида, аҳолининг умумий даромадларини ошириш мақсадга мувофиқ натижа бўлиб, бунинг учун эса мамлакатимизда аҳоли ўртасида хусусий тадбиркорликни жадаллик билан ривожлантириб бориш лозимдир. Ҳар бир аҳоли ўзининг креатив қарашларидан келиб чиққан ҳолда, янгиликлар жорий эта олса, уларнинг даромадлари ортиб боришига эришилади. Бунинг учун эса, аҳоли ўртасида оммавий тадбиркорликка қизиқиш уйғота оладиган янги танловлар ва лойиҳаларни амалиётга кенг татбиқ этиш замон талабига айланиб бормоқда.

¹ https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/7_Mustafakulov.pdf



Камбағалликни қисқартириш мақсадида “Маҳаллабай” иш тизимининг ташкил этилганлиги бу аслида камбағалликни қисқартиришнинг ностандарт усулларидан бири саналади. Мамлакатимизда мазкур масалага ўзига хос тарзда ёндашилмоқда, яъни илғор хориж тажрибасини пухта ўрганган ҳолда ички ижтимоий-иқтисодий имконият ва хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ишларни амалга ошириш имкониятлари яратилмоқда². Ушбу қилинган тизим камбағалликни бартараф этишга қаратилган замонавий ечимлардан бири ҳисобланади. Даромад топишга қаратилган тадбиркорлик интилишларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда “Маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Маҳаллабай” ишлаш тизимида қуйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратилади. Бунда оилаларнинг даромад манбаларини, шу жумладан, томорқа ерлардан фойдаланиш ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини «хонадонбай» ўрганиш, банд бўлмаган аҳолининг, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи курсларга йўналтириш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланишга амалий кўмаклашиш, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап ғояларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган кредитлар ажратиш режалаштирилган.

Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни ихтисослашув йўналишларини аниқлаш ва янги тадбиркорликни, шу жумладан, “драйвер” лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, мавжуд имкониятларни (бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ер майдонлари ва бандликнинг анъанавий соҳалари) ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали жойларда тадбиркорлик, инвестициявий ва рақобат муҳитини яхшилаш; самарадорлик ва даромадлилик тамойилларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш, маслаҳат бериш ва бизнес-режаларни тайёрлаш учун банкларнинг қуйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш орқали мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш кабилар бу жараёндаги муҳим вазифалардир³.

Ушбу тизимнинг самарасига тўхталадиган бўлсак, “Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида қуйидаги ишлар амалга оширилди. Масалан, ҳар бир маҳаллани

² https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-ishlar-qanday-natizha-bermoqda_275363

³ https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-ishlar-qanday-natizha-bermoqda_275363



комплекс ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. “Маҳаллабай” ишлаш тизимини самарали ташкил этишни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида эксперимент тариқасида “Маҳаллабай ишлаш маркази” ташкил этилди. Сўровномалар асосида 1,6 миллион нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолидан 825,9 минг нафарининг ишлаш истаги борлиги аниқланди (380,8 минг нафари, шундан, 149,1 минг ёшлар ва 140,7 минг хотин-қизлар бандлиги таъминланди). Касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиш истагини билдирган 176,4 минг нафар аҳолидан 92 минг нафари турли хил касб-хунарларга ўқитилди. Тадбиркорлик субъектларининг 60 мингга яқин муаммолари аниқланиб, улардан 29,8 мингтаси ҳал этилди. 148,8 минг тадбиркорлик субъектига 3,6 триллион сўм кредит ажратиш орқали 162,6 минг янги иш ўрини яратилди. Фойдаланилмай келинаётган 4,8 минг гектар томорқа ерлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Айти дамда эса “Маҳаллабай” ишлаш тизимининг электрон базасини ишлаб чиқиш ҳамда вазирлик ва идораларнинг ўзаро интеграциялашган ахборот алмашинуви тизимини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига мувофиқ, “Темир дафтар” ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқланди⁴. Унга кўра, “Темир дафтар” га киритилганларга қуйидаги йўналишларда ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Томорқада енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш, “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари” ни ташкил этиш, деҳқончилик учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ердан 0,1 гектардан 1 гектаргача ер бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнес лойиҳалар тузишни ўргатишда ёрдам берилади.

Ҳозирги кунда “Темир дафтар” (saxovat.argos.uz) ахборот-таҳлил тизимидаги маълумотларни автоматлаштирилган тарзда шакллантириш учун тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизим ва маълумотлар базалари ҳамда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” билан интеграция қилиш ишлари

⁴ https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-ishlar-qanday-natizha-bermoqda_275363



амалга оширилмоқда. Юқорида келтириб ўтилган янги тизмиларни амалиётга кенг татбиқ этилиши, янги имкониятларни яратилишига хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимздаги камбағалликни қисқартиришга ҳамда аҳоли даромадларини оширишнинг янги имкониятларини юзага келишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, аҳоли ўртасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, оммалаштириш ва янги лойиҳаларни амалиётга кенг татбиқ этиш аҳолининг даромадларини ўсиб боришини таъминлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги амалий тавсияларни амалиётга кенг татбиқ этиш энг муҳим ечимлар саналади. Жумладан:

- республикада хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши учун мавжуд бўлган меҳнат, хомашё, илмий-техник ва бошқа салоҳиятлардан тўлиқ фойдаланиш;

- хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига давлат томонидан даслабки сармоя ва ортиқча маблағларни имтиёз сифатида бериш амалиётини қўллаш;

- банк кредитлари, халқаро молия ташкилотларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш шартларининг соддалаштириш;

- кредитни суғурталаш, кафолат билан таъминлаш ҳамда уни қайтариш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш;

- камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини оширишга қаратилган янги танлов ва лойиҳаларни амалиётга кенг татбиқ этиш бўлиб, ушбу тавсияларни амалиётга кенг қўллаш янги имкониятларни яратилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон Фармони. 2019 йил, 13 август. www.lex.uz
2. Мухитдинова, Ж. Р. (2022). ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЕЖИ. In Социально-экономическое развитие региона: опыт, проблемы, инновации (pp. 85-89).
3. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/7_Mustafakulov.pdf
4. https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-ishlar-qanday-natizha-bermoqda_275363
5. <https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-ishlar->



qanday-natizha-bermoqda_275363

6. https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-ishlar-qanday-natizha-bermoqda_275363

